

Олим Тошбоев



**Абадий
замондош**

Олим ТОШБОЕВ

АБАДИЙ ЗАМОНДОШ

**ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ҲАЁТИ
ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР**

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент 2018

УЎК 821. 512.134-4
КБК 83.3 (5Ў)
Т 71

Тошбоев, Олим

Абадий замондош. Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижодий фаолиятдан лавҳалар. / О. Тошбоев. – Тошкент: Фафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 480 б.

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, улуғ адиб Шукур Холмирзаевнинг асарларини ўқимаган ЎЗБЕК ўқувчисини топиш амри-маҳол. Бетакрор ҳикоялари, жозибадор қиссалари, юксак савияли романлари аллақачон ўзбек адабиётнинг нодир жавоҳирларига айланиб улгурган. Ёзувчи бир умр ЎЗБЕК халқининг характери-нини, унинг яшаш тутимини, кифёсини тасвирлаб, кўрсатиб ижод қилди. Адиб асарларининг сири шундаки, бир қарашда оддий, шунчаки суҳбатдай туюлади, аммо мулоҳаза қилсангиз, шу суҳбатларда ЎЗБЕК халқининг улкан ДАРДини кўрасиз, ҳис қиласиз.

Қадрли китобхон, Сиз адибнинг барча асарларини марок билан мутолаа қилганингизга ишонамиз. Ушбу китобда сиз ўша асарларнинг ёзилиш тарихи, сабаби, умуман, адибнинг ҳаётда ва ижодда қандай ШАХС бўлганини билишингизга ёрдам беради.

Адибнинг шогирди Олим Тошбоев қаламига мансуб бу асар, улуғ адибга, шогирднинг устозга, қолаверса, ўзбек адабиётига ва ўқувчиларга бебаҳо совға бўлишига ишонамиз.

УЎК 821. 512.134-4
КБК 83.3 (5Ў)

© Олим Тошбоев
© Фафур Ғулум номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2018

ISBN 978-9943-5213-0-8

МУҚАДДИМА

Ўзбекнинг мумтоз ёзувчиси Шукур Холмирзаев 2005 йил 29 сентябрь тонгида бу фоний дунёни тарк этди. Йил ўтгани сайин Устознинг қадри билиняпти. “Адабиёт – ҳасратдан бошқа нарса эмас. Фақат, ёзувчининг оддий одамдан фарқи – оддий одам ўз дардидан ҳасрат қилса, ёзувчи бировлар дардидан ҳасрат қилади” деб яшаб ўтган адибимиз ўз ҳаётий принциплари, она юрт ва унинг тарихини беҳад севувчи катта қалби, ор-номуси ва шижоати билан ҳамма даврларда ибрат бўла оладиган ШАХС эди.

Адиб ижодий мероси серқирра ва сержилолиги билан ўқувчини мафтун этади. Бу оҳангдорлик ва рангбаранглик замирида адиб суйган эркинлик ғояси мужассам десак, ҳақиқатга хилоф бўлмайди. Ш.Холмирзаев ижодий фаолияти давомида ҳеч кимдан оҳанг олмади ҳамда ҳеч кимга ҳам соз ва овозини бериб қўйган эмас. У салафларига чўнг бир муҳаббат билан мурожаат қилди, тенгдошлари билан фахрланди, ука ва шогирдларига нисбатан беғараз бўлди. Ёзувчининг қандай яшаб ўтгани, шахс сифатидаги суврати, ҳаётга ва одамларга муносабати ҳақида устозлари, сафдошлари кўп ва хўб ёзган. Бу хотиралар чин юракдан, самимий битилган. Чунки адибнинг ўзи ростгўй эди, дилидаги тилида эди.

Улкан носиримиз ҳаёти ва ижоди ҳақидаги битиклар қаторига камина ҳам кўрган-билганларимни қўшгим келди.

Кўлингиздаги ушбу тўплам илмий тадқиқот эмас. Уни адиб билан бирга ўтган дамларга шукрона, қола-

верса, ёзувчининг ҳаёти ва ижодидан бир қадар хабардор қаламкашнинг хотиралари, шахсий мулоҳазалари деб қабул қилгайсиз. Бундан ташқари, мазкур иш адиб ижодий фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввур беради, деган даъво ҳам йўқ. Зеро, Ш.Холмирзаев ижоди, табиийки, бир тадқиқот доирасига сиғмайди. Юксак истеъдоднинг ҳар кирраси – алоҳида бир китоб. Шу маънода тенгсиз ҳикоянавис ижоди забардаст тадқиқотчилар кўмагида жаҳоний эътироф қозонишини ният қилиб қоламиз.

Ҳайрат ва ҳавас меваси бўлган ушбу китобда улкан хазинанинг у ер-бу еридан “чўкилаб”, ақл етганча фикр қилинди. Бир ўтинч бор: илм ва адабиёт намояндаларининг айрим қарашларига билдирилган эътирозларни ул муҳтарам зотларнинг шахсига нисбатан деб тушунмаслик керак.

Тўпламга эркин бир тарзда тартиб берилганига келсак, Шукур Холмирзаев табиатан эркинлик тарафдори эди. Ана шу ақидага мувофиқ иш кўрилди.

Изоҳ сифатида яна бир гап: адиб ижодини синчиклаб кузатган киши унинг аросат одамлари ҳақида кўп ёзганини сезиши аниқ. Дарвоқе, буни Шукур аканинг ўзи ҳам эътироф этган. Бундан ташқари, ёзувчи меҳригиёли инсон эди. Унинг ижоди келгусида ҳам меҳригиёх сингари ўқувчиларни ўзига жалб этишига, руҳий-маънавий қувват бераверишига шубҳа йўқ.

“Бизга етишмай келаётган нарсалардан
энг мухимлари – ижодда ҲАЛЮЛЛИГу ҳаётда
МАРДЛИКдир”.

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

“МЕН БОЙСУННИ КУЙЛАЙМАН ҲАМОН...”

Адиб хотираларидан: “Усмон Азимнинг “Бойсун ҳақида гамгин баллада” деб аталадиган балладаси бор. Ўшани менга бағишлаган. Усмон, Бойсуннинг дараларини, кўкатларини, тоғларини, арчаларини, ўнгирилари-ни севиши мумкин эканлигини сиз ёза бошлаганингиздан кейин ҳис қилган эдик, деганди.

Бойсун жуда қадимий ўлка. Унинг номи ҳақида минг битта гап бор. Асли ўзбек-қўнғирот тилида “Бойсин”. Ўзимиз ҳам Бойсун демаймиз, Бойсин деймиз. Бу ер амирлик даврида жуда кучли бекликлардан бўлган. Бухоро амирлигининг жанубдаги дарвозаси ҳисобланган. Анвар пошшонинг жанг-жадаллари... Энг кучли қўрбошилар, лашкарбошилар шу жойларда ўтган.

Энди... бу ўлгур, жуда чиройли жой-да! Бойсунтоғнинг ўзи етти тизмадан иборат. Бирини Чўнтактоғ, бирини Етимтоғ дейишади. Унинг табиатидай табиатни мен бошқа жойда кўрмадим. Ҳатто таърифлашга сўз топилмайди”.

Бу юрт тарихи бир қарасангиз шарафли, бир қарасангиз аламли бўлиб кўринади. Биз мавзу доирасини эътиборга олган ҳолда, сир-синоатли бу кечмишнинг фақат бир саҳифаси – XX аср 30–40-йиллари ҳақидаги айрим мулоҳазалар билан чекланамиз. Мақсадимиз ёзувчи Шукур Холмирзаев дунёга келмасдан олдин туманнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ҳаёти-ни бир қадар ўрганиш, энг мухими, адибнинг ота-она

си – Файзулла Холмирзаев ва Ойша Омоноваларнинг жуда-жуда мураккаб, серташвиш ҳаёт йўлидан вокиф бўлишдир. Ахир, ёзувчининг қандай муҳит ва шароитда вояга етганини билиш унинг ижод оламига олиб борадиган энг тўғри йўлни топиш, деган гап бор-ку!

Биз бу борада “Ғалла fronti” деб номланган кўхна туман газетаси тахламларига таянамиз. Чунки бу газета шўронинг тарғибот қуроли бўлиш билан бирга туман солномаси ҳамдир. Бундан ташқари, 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бўлажак адибнинг отаси Файзулла Холмирзаев ушбу газетада ишлаган, раҳбарлик қилган. Қолаверса, мазкур газетанинг 1937–1950 йиллардаги сонларида Шукур аканинг онаси Ойша Омонованинг номи жуда кўп ўринларда тилга олинадики, ўз замонида пешқадам бўлган бу раҳбар аёлнинг серқирра фаолияти ҳақида ҳам бир қадар маълумот олиш мумкин.

Ўйлайманки, бундан кейинги тадқиқот ишлари учун ҳам ягона манба ҳозирча “Ғалла fronti” бўлиб турибди.

“Ғалла fronti”нинг ўттизинчи йиллардаги тахламларини варақлаб, унда ёзилмиш ҳаёт, тақдирлар ёди билан яшадим десам ёлғон бўлмайди: аёвсиз фош этишлар, қирғиндан омон қолган халқнинг сиёсат йўлида калака бўлиши, саводли одамларнинг тухмат туфайли бадном қилиниши, хуллас, эътиқодни сақлаш тош чайнашдан ҳам қийин бўлган йиллар кўз олдимдан бир-бир ўтди. Кўзим юмсам, сарғайиб, увада бўлиб қолган газета саҳифалари ичидан куйиб, қамалиб ётган нолалар гўё ўрлаб чиқаётгандай бўлади. Одам боласининг, тирикликнинг баҳоси бир ҳовуч буғдой бўлган йиллар...

Мен бу саҳифаларда қирчиллама ёшдаги боболаримни, бир худодан ўзгасини танимаган момоларимни ва яна ўнлаб қишлоқдошларимни, қўлида ўрок, авжи саратонда гектарлаб арпа-буғдой ўраётган, галагов ҳайдаётган, хирмон қилаётганда кўрдим. Улар жуда-жуда кўп эди, абгор ва забун эди. Уларнинг мен учун азиз

бўлган номлари газетда “илғор колхозчи” деб ёзилган. Афсуски, бугун неварга ўқиб турган газетни улар ўшанда қўлларига ушлаб томоша қилган бўлиши, саводи борга ялиниб ўқитган бўлиши мумкин. Чунки улар қора меҳнатдан бошқа нарсани билмаган. (Уларнинг кўпи саводсиз бўлган дейишга тилим бормади.) Улар кечаю кундуз, кишин-ёзин тинмай ишлаган. Ўроқчи аёллар бувакларини ўрмалаб кетмаслиги учун ўра ковлаб солиб қўйишган. Бу гўдакларга ғовза соябон бўлган.

Ҳа, ўтган асрнинг 30–40-йилларида туғилганларнинг аксарияти буғдойзор болаларидир...

Матбуот – жамият кўзгуси, деган тушунчани нафақат бугунги кун, балки тарихий даврларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Тарихни ўрганаётган одам учун матбуот ўзига хос бир далил ва ҳужжат эканига амин бўлдим.

“Ғалла fronti” газетаси 1932 йилдан чиқа бошлаган, аммо 1932–1936 йиллардаги сонлари деярли сақланмаган. Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада ҳам газетанинг 1937 йилдан бу ёғи бор: у ҳам тўлиқ эмас. Лекин астойдил қидиришларимиз натижасида, аниқроғи, “Сурхон ёшлари” газетаси бош муҳаррири, шоир Исроил Шомиров ёрдамида туман газетасига салкам қирқ йил муҳаррирлик қилган, бугун 91 ёшни қаршиляётган устоз журналист Очил Пардаевнинг шахсий архивидан 1935–1937 йиллардаги айрим сонларини ва энг муҳими, Файзулла Холмирзаев масъул муҳаррирлигида 1935 йил 28 июнда чиққан 37-сонли газетни кўриб, тилла топгандай суюндик. Газетанинг ушбу сони 1150 та нусхада чоп қилинган экан.

Маълумки, Бухоро амирлиги ағдарилганидан кейин бошланиб кетган миллий озодлик ҳаракатлари ўтмишнинг чигал бир даври сифатида эътироф этилади. Бойсун – ана шу мураккаб тарих занжирининг битта ҳалқаси. Тарихчиларнинг ёзишича, республиканинг деярли барча шахру кентлари шўроларга таслим бўлган, мус-

табид тузум шафқатсизликни авж олдирган бир пайтда, аниқроғи, 30-йилларнинг бошларида ҳам Бойсунда очиқ ва пинҳона аксилинқилобий ҳаракатлар тўхтамаган. Лекин тумандаги олакурок ҳаёт кўйида янги бир замоннинг аломатлари ҳам бўй чўза бошлаган эди.

“Ғалла fronti” газетасининг 1935 йил 72, 73, 74-сонларида С.Собировнинг **“Йўлдош Саидов, Қозиев, Эшқулов, Бобоҳўжаев, Шокировлар мухбирлар сифидан ҳайдалди”** ва **“Ишимизга зиён етказиш мақсади билан қилинадиган ҳар хил гуруҳбозликка шафқатсиз зарба берамиз!”** номли мақолалари эълон қилинади.

Кўчирма:

“Йўлдош Саидов бошчилигидаги аксилинқилобий қулоқ группасига қатнашган кишиларни катта қисми, Пасурхидаги “Қизил Шарқ”, “Янги замон” колхозларидан бўлиб, бу одамларнинг биттасини ҳам колхоз ишларида кўра олмайсиз.

Ўткан (215) 72-сон газетада бу группани мақсади районни бузиш, районда ҳукуматнинг сиёсий-иқтисодий, хўжалик маъракаларини кўнгилдаги каби ўтказмасдан, уни бузиш йўлларини ахтариш, халқни партия, ҳукумат атрофидан қочирши, колхоз молини талаш каби зарарқунандачиликдан иборат деб ёзган эдик.

Билувчи ўртоқлар, районимиз билан таниш бўлган кишилар, айтингчи, районимизда “Қизил шарқ” ва “Янги замон” колхозларидан ҳам камбағал, иши орқага кетган, ўзини эплаб ола олмаётган колхоз борми?

Ахир Эшқулов, Йўлдош Саидов, Қозиевлар синфий ёт ифлослардан бўлмаса, ахир улар қулоқларни агенти, қулоқ фикрини ўтқариб юрувчи чириган кишилар бўлмаса улар меҳнаткашлар ҳақини таловчи, колхозларни бузилсин деб юрувчи партия душманлари бўлмаса “Янги замон” билан “Қизил шарқ” колхози ҳозирги каби ёмон аҳволга тушар эдимиз?

Газета увода бўлиб кетгани сабабли, тўрт-беш қаторни ўқиб бўлмади. Давоми қуйидагича.

Кўчирма:

“Таловчилар колхоз учун нима иш қилди? Эшқулов колхоз пулларини арақ ичиб, кабоб ейиш орқасида хоҳлаганича шамолга совурди, унинг ичмасдан юрган куни йўқ. Эшқулов тўғри ва айбсиз бир киши бўлса, район прокурори Воҳидовнинг уйига арақ олиб келар эдимми? Ҳаддан ошган аҳмоқлиги орқасида Эшқулов текширишга қадар партия сафида келган, шундай қилмаса у партияга лойиқ махлуқ эмас эди.

Акселинқилобий қулоқ группасининг бошлиги мугомбир Йўлдош Саидовни қаранг, у “Қизил шарқ” колхозига аъзо бўлмаса ҳам колхозни тафтиш комиссиясининг раиси бўла олган Йўлдош Саидов “Қизил шарқ” колхозининг 100 пудлаб бугдой, арпасини уйига олиб борганда, колхозчилар учун бугдой топшириб олган саноат молларини ўзаро тақсим қилганда, колхоз томини бузиб ўзига янги том солганда... уялгани йўқ. Чунки уялиш деган бир улуг иш Йўлдош Саидовнинг синфий юзига, уни чин мақсадига хилоф парса.

Биз район мухбирлар слётида Йўлдош Саидовни мухбирлар сафидан ўчириш ҳақида бош қотириб ўйлаб ҳам ўлтирмадик. Чунки уни меҳнаткаш омма учун фойдали томони қолмаган, аллақачон мухбирлар сафидан ҳайдалиши лозим бўлган алдоқчи (афирест)эди.

16-ноябрдаги (215) 72-сон газетада Йўлдош Саидов мухбир ва газетани издан чиқарди деб ёзган эдик. У, ҳақиқатда ҳам газетани издан чиқарган Йўлдош Саидов “Ҳайвонлар билан мусоҳаба” сарлавҳаси остида бир эшакнинг аҳволини таъриф қилиб мақола ёзиб, газета бошқармасига берган. Ҳозир у материал бизнинг қўлимизда туради. Айтингни, ўртоқлар, газета орқали бир эшакнинг таржимаи ҳолини ёзиб районга қандай фойда келтиришни Саидов ўйлаган. Эшакнинг таржимаи ҳоли ўрнига бир ударник колхозчининг ишини ёзиш мумкин эмасми?



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4041> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4041> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4041>